ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ТОҒ-КОН САНОАТИ ВА ГЕОЛОГИЯ ВАЗИРЛИГИ

ГЕОЛОГИЯ ФАНЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

“МИНЕРАЛ РЕСУРСЛАР ИНСТИТУТИ”
ДАВЛАТ МУАССАСАСИ

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

“Минерал ресурслар институти” ДМ
Илмий ишлар ва инновациялар
бўйича директор ўринбосари в.б.

_____ М.Ш. Ахмедов
2026 й. “21” 04

“МИНЕРАЛ РЕСУРСЛАР ИНСТИТУТИ” ДМ ДА ХОТИН-ҚИЗЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ БЎЙИЧА 2026 ЙИЛГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ЙИЛЛИК ДАСТУР

Тошкент – 2026 й.

КИРИШ

Ушбу дастур “Минерал ресурслар институти” ДМ томонидан 2026 йил 28 апрелда тасдиқланган “Минерал ресурслар институти давлат муассасасида хотин-қизлар вакили фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги Низом”га мувофиқ ишлаб чиқилди.

Мақсад: “Минерал ресурслар институти” ДМда фаолият юритувчи хотин-қизларнинг илмий салоҳиятини ошириш, уларни ижтимоий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, инновацион фаоллик ва раҳбарлик кўникмаларини ривожлантириш учун қулай муҳит яратиш.

Асосий вазифалар:

- Аёл олималарнинг илмий фаоллигини ошириш;
- Ёш тадқиқотчи аёлларни қўллаб-қувватлаш;
- Малака ошириш ва лидерлик кўникмаларини ривожлантириш;
- Соғлом ва мотивацион иш муҳитини шакллантириш.

Дастурнинг усутвор йўналишлари:

- Илмий фаолиятни ривожлантириш
- Малака ошириш
- Ижтимоий қўллаб-қувватлаш
- Рағбатлантириш ва мотивация

Мамлакатимизда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг жамиятдаги ўрни ва нуфузини ошириш, илм-фан, инновация ва бошқарув соҳаларидаги фаол иштирокини қўллаб-қувватлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Айниқса, илмий-тадқиқот муассасаларида фаолият юритаётган хотин-қизларнинг интеллектуал салоҳиятидан самарали фойдаланиш, улар учун муносиб меҳнат ва ижтимоий муҳит яратиш, касбий ривожланишини таъминлаш муҳим аҳамият касб этади.

Замонавий илм-фан ва инновацион тараққиёт шароитида аёл олималарнинг илмий изланишлар олиб бориши, халқаро ҳамкорликларда иштирок этиши, инновацион ғоя ва ишланмаларни амалга ошириши учун қўшимча имкониятлар яратиш талаб этилмоқда. Шу билан бирга, ёш тадқиқотчи хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг илмий салоҳиятини ривожлантириш ва раҳбарлик кўникмаларини шакллантириш долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Мазкур дастур институтда меҳнат қилаётган хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг илмий ва инновацион фаоллигини ошириш, ижтимоий ҳимоясини мустаҳкамлаш, соғлом ва мотивацион меҳнат муҳитини шакллантириш мақсадида ишлаб чиқилган.

Дастур доирасида илмий фаолиятни ривожлантириш, малака ошириш, халқаро ҳамкорликни кенгайтириш, лидерлик қобилиятларини юксалтириш,

маънавий-маърифий ва соғломлаштириш тадбирларини ташкил этиш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш назарда тутилади.

Ушбу дастурнинг амалга оширилиши “Минерал ресурслар институти” ДМда хотин-қизларнинг илмий салоҳияти ва ижтимоий фаоллигини янада ошириш, уларнинг касбий ўсиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш ҳамда институтнинг илмий салоҳиятини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

“МИНЕРАЛ РЕСУРСЛАР ИНСТИТУТИ” ДМ ДА ХОТИН-ҚИЗЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ТИЗИМИНИ КУЧАЙТИРИШ БЎЙИЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ДАСТУРИ

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Муддати	Ижрочи масъуллар
1	Энг яхши илмий мақола учун мукофот	Институт илмий кенгаши томонидан йил давомида чоп этилган илмий мақолалар қабул қилинади ва махсус комиссия томонидан баҳоланади. Мақолаларнинг илмий янгилиги, халқаро базаларда индексацияланганлиги, иқтибослик даражаси ва амалий аҳамияти асосий мезон сифатида белгиланади. Ғолиблар декабрь ойида тантанали тақдирланади.	Декабрь	Н.Б. Рахмонова Ф.А. Халилова Г.П. Махмудова О.В. Ташканбаева А.А. Абдусаматов
2	Олималар учун Илмий грант ёзиш бўйича махсус семинарлар	Ҳар чоракда грант лойиҳалари тайёрлаш, бюджет шакллантириш, халқаро ва маҳаллий грант платформалари билан ишлаш бўйича амалий семинар-тренинглар ташкил этилади. Семинарларга тажрибали олимлар ва халқаро экспертлар жалб қилинади. Иштирокчилар учун намунавий грант ҳужжатлари тақдим этилади.	Хар чоракда	Н.Б. Рахмонова Ф.А. Халилова Г.П. Махмудова О.В. Ташканбаева А.А. Абдусаматов
3	“Йилнинг энг фаол олима аёли” танлови	Ҳар чорак якуни бўйича олималарнинг илмий фаоллиги, мақолалари, лойиҳалари, инновацион таклифлари ва жамоат ишларидаги иштироки баҳоланади. Якуний босқичда энг юқори натижа кўрсатган иштирокчилар махсус комиссия қарори асосида ғолиб деб топилади ва фахрий диплом ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланади.	Хар чоракда	Н.Б. Рахмонова Ф.А. Халилова Г.П. Махмудова О.В. Ташканбаева А.А. Абдусаматов
4	Илмий-раҳбар ва менторлар дастурини ташкил қилиш	Тажрибали олималар ва илмий ходимлар ёш тадқиқотчиларга ментор сифатида бириктирилади. Менторлар томонидан мақола ёзиш, тадқиқот методологияси, диссертация тайёрлаш бўйича амалий маслаҳатлар берилади.	Август	Н.Б. Рахмонова Ф.А. Халилова Г.П. Махмудова О.В. Ташканбаева А.А. Абдусаматов
5	Машҳур олималар билан очиқ мулоқот	Республика ва халқаро миқёсда танилган олималар иштирокида давра суҳбатлари, мотивацион учрашувлар ва маҳорат дарслари ташкил этилади. Тадбирларда илм-фанда муваффақиятга эришиш омиллари, тажриба алмашиш ва ёш олималарни қўллаб-қувватлаш масалалари муҳокама қилинади.	Сентябрь	Н.Б. Рахмонова Ф.А. Халилова Г.П. Махмудова О.В. Ташканбаева А.А. Абдусаматов
6	Соғлом турмуш ва спорт тадбирлари	Йил давомида спорт мусобақалари, саломатлик акциялари, оммавий юришлар, фитнес ва соғлом турмуш тарзига бағишланган тадбирлар ташкил этилади.	Йил давомида	Н.Б. Рахмонова Ф.А. Халилова Г.П. Махмудова О.В. Ташканбаева

				А.А. Абдусаматов
7	Хорижий тил курслари ташкил этиш	Хотин-қизларнинг халқаро илмий фаоллигини ошириш мақсадида инглиз тили бўйича курслар ташкил этилади.	Йил давомида	Н.Б. Рахмонова Ф.А. Халилова Г.П. Махмудова О.В. Ташканбаева А.А. Абдусаматов
8	Институт веб-сайтида муваффақиятли олималарни ёритиш	Институт матбуот хизмати томонидан фаол ва ютуққа эришган олималар ҳақида мақолалар, интервьюлар ва янгиликлар мунтазам равишда веб-сайт ва ижтимоий тармоқларда ёритиб борилади.	Йил давомида	Н.Б. Рахмонова Ф.А. Халилова Г.П. Махмудова О.В. Ташканбаева А.А. Абдусаматов

Маънавий ва маърифий ишлар бўйича масъул **Н.Б. Рахмонова**

Бош ҳисобчи **Г.П. Махмудова**

Инсон ресурсларини бошқариш бўлими бошлиғи **Ф.А. Халилова**

Ёшлар етакчиси **А.А. Абдусаматов**

МИНИСТЕРСТВО ВЫСШЕГО ОБРАЗОВАНИЯ, НАУКИ И ИННОВАЦИЙ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН
МИНИСТЕРСТВО ГОРНОДОБЫВАЮЩЕЙ ПРОМЫШЛЕННОСТИ И ГЕОЛОГИИ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН
ПРЕДСТАВИТЕЛЬСТВО КОМПАНИИ MICROMINE AUSTRALIA Pty Ltd В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН
УНИВЕРСИТЕТ ГЕОЛОГИЧЕСКИХ НАУК

СЕРТИФИКАТ
ЗА УЧАСТИЕ В ОЛИМПИАДЕ

вручается

Минаваровой Зиёдахон

Университет геологических наук

С благодарностью за активное участие в Ташкентской международной олимпиаде по моделированию в горно-геологической отрасли (Micromine GGIS) — «MinGeoMod-2026», проходившей 28–29 сентября 2026 года, за продемонстрированные знания и профессионализм в области цифровых технологий в геологии и горном деле.

Желаем новых профессиональных достижений и плодотворного международного сотрудничества!

Председатель организационного комитета-ректор — А. А. Кадырходжаев

Представительство компании Micromine Australia Pty Ltd
в Республике Узбекистан — У. М. Мансуров

Ташкент 2026